

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВнинг ДАСТУРИ



бар кўпайтириш;  
- миллий пулимизнинг қад-рисиэлинишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;  
- давлат томонидан аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш.  
- бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;  
- ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Биз XXI аср бўсағасида - янги буюқ ўзгаришлар, жамятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳолини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

**Биринчи устувор вазифамиз** — иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

- иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадди 1,8 - 2,0 баро-

- ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини яқинида етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан эса 82 фоизга етказиш;

- соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун авваламбор ислохотларимизнинг **иккинчи асосий устувор йўналиши** бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамяят қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВнинг ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни - кучли фуқаролик жамяти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида амалда таъминлаш:

### Сиёсий соҳада

- давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

- давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;


- сиёсий партиялар жамятдаги мавқеининг, уларнинг намоёндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

- давлат ҳокимиятининг учта - қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

- оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, улар-



нинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишиги;

- энг оддий фуқаронинг овозини жамятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

- барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишининг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етақчи, идора этувчи ва муҳолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурватларини яратиш;

- жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамят ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

- кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

### Иқтисодий соҳада

- иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон хурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишиги;

- ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислон Абдуганиевич КАРИМОВнинг ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сийёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваломбор, аҳолининг сийёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода-лаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиш бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар - ҳокимият барча тармоқларнинг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустақамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъқеи ва ҳуқуқларини мустақамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислохотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўзмеҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиш бериш.

**Учинчи устувор йўналиш** — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган соқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда ўрайдиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва маъқени ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига

муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни кўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит тўғдириб бериш кўзда тутилади.

**Тўртинчи устувор йўналиш** — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ. Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва сўянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз, деган широри амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

**Бешинчи устувор йўналиш** — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

**Мен учун Ватан озодлиги, халқимизнинг омонлиги, юртимнинг раванки, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий сабат йўқ.**

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағри кенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш - ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

(Дастурнинг тўлиқ матни Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" рисоласида баён этилган).

## Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВнинг ДАСТУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни удалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навоми мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар ҳўжалик фаолиятига гайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларнинг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзларидан ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириш бориш ва ҳ.к.

**Ижтимоий соҳада**

адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

ишсизликни барҳам топтириш;

меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш;

жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар маъқенини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шакллари вужудга келтириш;

жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

пораҳўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустақамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

ижтимоий муносабатларини инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириш бориш ва ҳ.к.

**Маънавий соҳада**

жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш;

жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мурабий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий маъқенини беқиёс кўтариш;

барча фуқароларни умумжаҳон, шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишига ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

**Ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида**

Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга, Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳақозо.

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шухратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилди, деб ишонамиз.

# БАХТИМИЗ ҚОМУСИГА 7 ЙИЛ ТЎЛДИ

## АДОЛАТГА КАФОЛАТ

Бугун Мустақил ўлкаимизнинг асосий Қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг етти йиллигини нишонляймиз. Давлат - давлат бўлиб, миллат - миллат бўлиб ўз Қомуси - Конституцияси билан дунёга танилади. Зеро, унда ҳар бир халқ ҳуқуқи, иродаси, тафаккури, ижоди, руҳияти, ижтимоий онги ва маданияти тўла акс этади, уфуриб туради.

Шу нуқтаи-назардан Мустақилликка мушарраф бўлган кунларимиздан кўп ўтмаёқ эришган энг буюк ютуқларимиздан бири - Республикаимиз Конституциясининг қабул қилинганлиги бўлди. У тарихда синалган умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирганлиги, дунёда энг ривожланган давлатларнинг асрий тажрибаларига таянганлиги билан чинакам демократик Конституциядир. Бу

борада АҚШ, Буюк Британия, Франция, БМТ, Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги Кенгаши сингари нуфузли давлат ҳамда халқаро ташкилотлар ўзларининг ҳолис ва ҳаққоний баҳоларини аллақачон бериб бўлишган.

Бу йил Конституциямиз қабул қилинганлигининг 7 йиллиги мамлакатимизда жуда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий аҳамиятга молик воқеа - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳокимият вакиллик органларига сайловлар муваффақиятли якунланаётган, Мамлакатимиз Президенти сайловига тайёргарлик авжи паллага кираётган бир вақтга тўғри келди. Шунини айтиш жоизки, фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи Конституциямизда аниқ белгилаб берилган. Уларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркин-

лиги қонун билан кафолатланган. Зеро, ҳар қандай эркинлик, ҳар қандай демократия муайян қонун измида бўлиши шарт. Демак, бу борада ҳам Конституциямиз ҳар бир фуқаро, ҳар бир Ватандошимиз учун муҳим дастуруламалдир.

Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби умуминсоний гоғлар Қомусимизнинг асосий мағзидир.

Хурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги, минтақамизда азал-азалдан шаклланган урф-одатларга, теран маънавий анъаналаримизга уйғунлиги билан гоғат-бағоат аҳамиятли.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти - давлатимизнинг уч асосий таянчи эканлиги Қомуси ҳақфаларига муҳрлаб ёзиб қўйилганки, буларни ўқиган чоғингизда беих-

тиёр улуғ бобоқалонимиз Амир Темурнинг: "Қаерда Қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади", деган башорати ёдингизга тушаверади. Шуқуқларга тўлган қалбингизда бетакрор бир гурур пайдо бўлиб, хаёлингизда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда: "Биз эркин демократик жамият қурмоқчимиз. Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Биз мамлакатларнинг худудий яхлитлигини ва суверенлигини ҳурмат қиламиз. Биз барча можораларни музокаралар, сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз. Биз тараққиёт фақатгина иқтисод, маданият, савдо-сотик ва маърифат соҳаларидаги алоқалар воситасида амалга оширилишини истаймиз", деган фикрлари кечавериши табиий.

Мўътабар Қомусимизнинг 7 йиллиги - қутлуг айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

## АЁЛ ЎЗ ҲУҚУҚИНИ БИЛСИН!

Буюк Қомусимиз - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил топганига ҳам етти йил бўлди. Муқаддас Қомусимизнинг 15-бобида мамлакат фуқароларига ва айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқига алоҳида эътибор берилган. Қаҳрамонларимиз билан сўхбатимиз ана шу ҳақда бўлди...



**Замира Абдуллаева, Кўкон шаҳар Хотин-қизлар кўмитасининг раиси:**

- Фарзанд бўлибмизки, ясли, мактаб, жамоатчиликдан, оиладан таълим-тарбия оламиз. Бу бизнинг сиёсий, моддий ҳуқуқимиз. Инсонни у ёки бу нарсанинг фарқини англаши эса дидига боглиқ. Аёлнинг ўз ҳуқуқини

билиши учун йирик ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас. Бу оилاداги ота-онанинг савияси, билимига боглиқ бўлади.



**Ўғилой Раҳимова, наманганлик ўқитувчи - шоира:**

— Элда бир нақл бор: "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади". Шўро давридаги ҳуқуқларимиз хотима топганига шукр. Ҳуқуқни билган инсон бурчини ҳам талаб қилишни билади. Зеро, аёл ҳуқуқи мустаҳкам бўлсагина, у оила, юрт, фарзанд камолини ёркин англайди.



**Махсума Зияева, Тошкент шаҳар, А. Икромов туманидаги "Она ва бола" марказий шиғохонасининг бўлим мудири:**

- Ҳуқуқий билимга эга бўлиш учун аёлда озгина гурур бўлиши зарур, шунда у ҳамма нарсага улғуради. Ўз шаъни, гурурини билса, жамиятимиздаги ижобий ва салбий ўзгаришдан таъсирланади. "Ўй" аёлларимизнинг кўпчилиги эса турмушда албатта қоқилади. Бу ўша ердаги ҳуқуқ-тарғибот вакилларининг масъулиятсизлигидир. Сиёсий, ҳуқуқий марказлар аёлларимиз маънавиятига бефарқ бўлмаслиги керак.

Мухтор БЕК

### ЎЗБЕКИСТОН:



● Мамлакатимиз Президентлигига сайлов олди жараёнлари Ватанимизнинг барча шаҳарлари ва қишлоқларидаги меҳнат жамоаларида қизгин кечмоқда. Жойларда ўтаётган учрашувлар ва митингларда Республикаимиз фуқаролари Юртбошимизнинг номзодини яқдил қўллаб-қувватлашапти. Кунчи кеча бу борада Навоий тоғ-кон металлургия комбинати жамоасининг матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон фуқароларига мурожаатномаси миллионлаб ҳамюртларимиз томонидан қизгин кутиб олинди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарори билан ҳар йили 3 декабрда кенг нишонланадиган Халқаро ногиронлар кунини Республикаимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида ҳам катта тантаналар, қўламли тадбирлар билан ўтказилди.

● Тошкентдаги "Шератон" меҳмонхонасида "Тошкентнинг амалий безак санъати" савдо кўргазмаси очилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва АҚШнинг "Филип Моррис" компанияси ҳамийлигида ташкил этилган бу кўргазмада 60 дан зиёд халқ усталари ва рассомларнинг асарлари намойиш қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда мамлакатимиз сайловчиларининг 96 фоизи иштирок этган. 60 та сайлов округида қайтадан, яъни иккинчи тур сайловлар ўтказилади.

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами кунини муносабати билан мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида ўзларининг узок йиллик ва самарали меҳнатлари учун тақдирланган ватандошларимиздан бир гуруҳига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топирилди

### КОНСТИТУЦИЯ ШАРАФИГА

7-декабр куни пойтахтимизнинг Туркистон саройида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси янгради. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ директори Акмал Саидов Конституциямизнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ва дунё миқёсида тугган ўрни мавзусида маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов сермазмун нутқ сўзлади. Тантанали йиғилишда ҳадемай қириб келадиган янги - 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинди.

Тантанали йиғилиш қатнашчиларига катта байрам концерти дастури намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

### ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

"Наврўз" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Халқаро ногиронлар ва Конституция кунларига бағишлаб тантанали тадбирлар ўтказилди. Унда кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларга, маҳаллаларга, махсус ижтимоий муассасаларга моддий-маънавий ёрдам ҳам уюштирилди. Йиғилишни жамғарма раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Калон Шодиев очди ва йиғилганларни байрам билан кутлади.

Тадбирда Юнусобод туманидаги ногирон болаларнинг соғлиғини қайта тиклаш клуби раиси Ф. Восиқова, Маҳалла оқсоқоли А. Юсуповлар ҳам сўзга қириб мамлакатимизда ногиронларга кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдам катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирдилар.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Ўзбекларда қизиқ одатлар бор. Масалан, ўғил ҳам, қиз ҳам фарзанд аслида, бироқ...

Оилада ўғил туғилса ҳамма суюниб кетади. Оилада ўғилга кўпроқ имтиёз, кўпроқ имкони-

дим. Тилларим сўзга қовушмасди. Лекин, сиз дилимдагини шундоққина билиб олардингиз. Доно-ю меҳрибоним. Мен сизнинг чексиз меҳр булоғингиздан сипқорардим. Менга дунёда Сиз-

дингиз. Сизни ёнимга дарсга киритишмасди. Йўлақда интизор кутардингиз. Аслида сабоқ-Сиздан олсам бўлар экан. Балким шунда ҳимматлироқ бўлардим, ўзгалар юмуши,

ғиздан аёло эди. Сизнинг ўша ондаги бахшида умрингизнинг ҳақини жами эркаклар йиғилиб адо этолмаймиз. Она! Улуғвор Аёл! Олдингизда қарздорман. Колган умримни шу қарзни адо

ришга ижозат олдилар ва ранжишлари сабабини сўрадилар. Шунда Расулulloҳ Ойша Сид-диқадан "Узайнгиз айтасизми, ё мен айтиб бераверайми? - деб сўраган эканлар. Кўрдингизми,

# ДОНО-Ю МЕХРИБОНИМ

## ТАРБИЯ СОАТИ

ят беришади. Даврада эркак, аёл аралаш бўлса, эркак юқори-роқдан жой олади. Эркак сўзлаётганда, аёл жим туради. Шу одатларимиз таъсириданми, ҳар қалай юрагимизни бир четида ўзимизни аёллардан устунроқ ҳисоблаб, қатор йиллар аёлларни камситгандек бўлдик. Бу ўринда "Сочи узун, ақли калта", каби камситувчи мақолларнинг ҳам хизмати бор албатта.

Аёлларимизни камситиш натижасида қатор хатоларга йўл қўйдик, ўз қадримизни пасайишига сабабчи бўлдик. Энди дўппини бир ёққа олиб қўйиб ўйласам, бу йўл қўйилган хатоларни тўзатиш пайти келди чамамда.

Аёл бу - онамиз, бизни дунёга келишимизга сабабчи бўлган, бизни гуноҳларимизни, айбларимизни яшириб, яхшичилигимизни оширган буюк инсон. Аёл - бу уйимизни саранжом, саришта қилган, бир-биридан ширин фарзандлар туғиб берган умр йўлдошимиз. Биз аёлларни камситганимизда энг аввал онамизни камситмадикми, елкамизга елкадош бўлган умр йўлдошимизни камситмадикми?

Йўл қўйган хатоларимиздан фарзандларимизни ҳимоя қилиш учун, фарзандларимиз бу хатоларни такрорламаслиги учун бугун аёлларимиздан эркаклар номидан кечирим сўраб, уэр айтмоқчиман ва ўрни келганда аёллар улугворлигининг баъзи қайдлари устида тўхтамоқчиман.

Аёл - чинакам улуг зот!  
Бу улуг зотга айл бор бешик-далигимда, ҳали ақл билан нафсни ажратолмайдиган ожиз бир давримда рўбарў келдим. Она! Мен илк бор дунё билан теб-бранганимда алла оғушида мурувватингизни ҳис қилдим. Сизни, фақат сизни соғинар-

дан бўлак ҳеч бир кимса, ҳеч нимарса керак эмас эди. Сиз - менинг дунёим эдингиз. Баъзан ўз хоҳишимни ўзим англамай қарар урардим, ахирйи ухлаб фолардим. Сиз - тепамада уйғок, тонгни қаршилардингиз. Сиз учун ўшандаёқ ором бўлганлигим, умид бўлганлигимни вақтида англамаганлигим учун ҳамон ўқинаман, қийналаман. Сиз мен ётган бешикка тоғга суйангандек суйанардингиз. Аста-секин куч-қувватингиз менга ўтиб борарди. Мен улғая бошладим. Ҳа, мен жажжи оёқчаларим билан шу қултуғ заминда илк бор тетапоия қилганимда Сизнинг табасмуингиз оламни ёритган эди. Кундан-кун мен воёга ета бошладим. Сизда эса илк ажинлар пайдо бўла бошладим. Кунлардан бир кун кўзимга гард тушди. Кўзимга тушган гард Сизнинг қалбингизга ўқ бўлиб қадалди. Сиз ўшал гардни олиб ташлаш учун ўзингизни фидо қилишга тайёр эдингиз. Мен эсам ҳали ҳамон Сиздан фидокорликни ўрганаяпман. Фидокорлигингиз эвазига оқарган сочларингизни буюш эса ҳатто эсингизга ҳам келмади. Баъзан меҳмондан қайтганимизда косангиздаги гўштни зар қоғозга ўраб олиб келардингиз. Нега бундай қилдингиз? - деб сўраганимда тишингизни бутун эмаслигини айттардингиз. Мен нодон тишингизни бутлаш ўрнига, гўштни паққос туширар эдим. Шунча нодонлигим билан ўзимни Сиздан ақлли ҳисоблардим. Сиз хафа бўлмасдингиз. Менинг навабдаги бу гуноҳимни кечирар эдингиз. Кечиримлик Сизга хос эди. Агар биз эркаклар ҳам Сиз каби кечира олганимизда эди, дунёда биронта ҳам жанжал, тўпонолар бўлмасди.

Мен мактабга бора бошладим. Ох, Сизнинг қувонганларингиз. Ҳар кунги бирга кетар-

дардига ҳозиргидек бепарво бўлмасдим.

Мактабни муваффақиятли тугатиш арафасида мактабимизда катта зиёфат бўлди. Бир қанча ота-оналар қатори Сизга ҳам тўрдан жой беришга, қўлингизга менинг исимини ёзилган мақтов қоғозини беришди. Сиз мендан мамнун эдингиз. Холбуки, мени шу даражага чиқишимга сарфлаган меҳнатингиз учун мен Сиздан ризолик сўрашим керак эди. Мени яна фаросатини етмади.

Мен ўқишни давом эттириш учун олийгоҳга ўқишга кирдим. Студент бўлганлигим ҳақидаги хабарни эшитгач, қувончдан осмонга сакраб, қизлар билан томошага кетдим. Шом қоронғусида уйга қайтганимда, Сизнинг кўзингизда ёш кўринди. Ҳайрон бўлдим. Қанча йигит-қизлар "йқилишди", мен эса ўқишга кирдим. Қувониш ўрнига "Э" - дедим. Уша кундаги кўзингиздаги ёш шунча йиллар ўтса ҳамки юрагимда тош бўлиб қадалаяпти. Қанийди, биз эркаклар ҳар воқеанидир моҳиятини вақтида тушунганимизда эди, балким қалбимиз тош каби бўлмасдики.

Умрингизнинг энг сўнги онлари эди. Бу ёруғ дунё зулматга чўшиб, осмон ёрилиб, Ер ларзага келиб Сизни сўнги йўлга кузатаётган дақиқалар эди. Уша онда ҳам, мен Сиздан ўз ҳақимга дуо сўрадим. Сиздай улуг зотнинг дуоси билан униб, ўсишлигимни, обод бўлишлигимни билардим. Она. Нақадар улугсиз, умрингизнинг энг сўнги онини ҳам фарзандларига, ахли хондонига, ахли қариндошга сарф этдингиз. Сиздаги ҳамжihatлиқ туйғуси, ўзгалар учун яшаш қайғуси ўз жонин-

етишга сарфлаш менга катта масъулиятлар юк-

лаяпти.

Ҳаётда бизни суяб, бизга тиргак бўлиб, яшашимизга ёрдам бериб келаётган аёллардан яна бири - умр йўлдошимиздир.

Ҳа, номини билиб қўйишган, бир умр ғамингга дардкаш, қувончингга шерик, йўлдошлар. У - бизнинг жуфтимиз. Шунинг ўзи аёлларсиз ҳаёт бўлмаслигини англатаяпти. Ривоят қилишларича, отамиз Одам алайҳиссалом жаннатда, кўркам тахт устида, чиройли либосларта анвойи таомлардан баҳраманд бўлар эканлар. Ёнларда жаннатий хуру-ғилмонлар хизматда экан. Бироқ, кўнглилари ярим экан. Шунда Аллоҳ қобиргаларидан гўзал малак яратиб, "У сенга умр йўлдош бўлади" - деган экан. Отамиз жами жаннат неъматларини унутиб гўзал мавжудот ёнига югурибдилар.

Аллоҳ таоло "Шошма, эй Одам, аввал никоҳ ўқилади, сўнгра у билан бирга бўлишга ижозат берамиз" - дебди. Қиссадан ҳисса шуки, мана шу ерда, жаннатда, эркакнинг аёл олдидаги бурчи, масъулият белгиланган ва бу масъулиятдан келиб чиқаётган вазифаларни адо этишга ваъда олинган. Демак, энди бу гуноҳдор дунёда бурчини, берган ваъдаимизни унутсак, шундай улуг аёлни камситсак, ҳақоратласак, яратган танрига ҳам хуш келмас керак. Расулulloҳ: "Ум-матларим ичида яхшироғи - аёлга яхши муомала қилган умматимдир", - дедилар. Расулulloҳнинг ҳаётлари ҳам бу ўринда ибратлидир. Кунлардан бир кун Ойша онамиз Расулulloҳни ранжитиб қўйдилар. Расулulloҳ бир қанча вақт жамоатга қўшилмай ранж аламиноти тортидилар. Шунда қайноталари Абу Бакр Сиддиқ анху ёнларига ки-

қайнотага шикоят қилиш ўрнига, "қиз ўстиришни билабсан, олиб кет қизингни" ёки "Аёл дегани бундай бўлмайди, сенга кўрсатиб қўяман" - дейишга сўраб сизсизра, воқеа тафсилоти баён қилишга аёлларидан ижозат сўраяптилар.

Энди биз учун аёлимизни камситишга, қийнашга, жазолашга заррача ҳам изн йўқ.

"Гўзалликнинг сирини нимада?" - деб аёлларнинг биридан сўраганимда, "Ўзимизга қараш, қарамаслигимизга боғлиқ" - деган эди. Холбуки, уларнинг гўзаллиги биз эркакларга боғлиқ. Ахир шу аёлмасми, энг эрта туриб, ота-онамиз йўлини сулуриб, чой тайёрлаб, бизни ишга кузатаётган. Ахир шу аёлмасми, жигарларимизни жонига жо қилган, ака-укаларни, қўни-қўшинларни бирлаштирган. Ахир шу аёлмасми оғзимизга ёқаётган овқатни тўқазмиш учун йиманибгина "нима қилай" - деб сўраётган.

Аёлимизнинг шунча садақоти ва меҳнати учун яна биз унга нисбатан ишончсизлик кўрсатамиз. Рашкнинг панасида, рашк баҳонасида уни ҳақоратлаймиз, камситамиз. Натижада қалбимиздаги устивор эркаклигимизни таъкидлагандек бўламиз. Бу камлик қилгандек "Бола белимда, хотин йўлимда" дейишни қанда қиймаймиз. Ана шундан кейин қанча аёллар абгор бўлаяпти, ўттизда ўтин бўлаяпти. Шундай экан энг аввал рўзгор ташвиши, рўзгор таъминоти биз эркаклар зиммасида турмоғи лозим. Уйдаги жами тарбиявий ишларда эса уларнинг энг яқин ёрдамчиларига айланмоғимиз керак. Шундагина аёлларимиз хамиша гўзал, ҳамийша латофатли бўлиб, бизлар эса ҳеч қачон қариллик оғусидан тоتماғайим.

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

# «ЙҮҚ» ДЕГАН СЎЗ ОҒРИҒИ...

Ҳаёт жуда мураккаб. Турмушнинг паст-баланд сўмоқларида ўз йўлини топиб олиш ва бахтли ҳаёт кечирishi учун киши ўз бошидан не-не машаққатларни ўтказмайди, дейсиз. Келинг, яқинчи Сизга яқинда рўй берган бир воқеани айтиб берай...

Тахририятимизга бир йигит ташриф буюрди.

Қадди-басти келишган, кўркам йигит. Кўринишидан ва гап сўзларидан кўнгли очиклиги, лекин ҳозир у гапни нимадан бошлашни билмаётганлиги сезилиб туради.

- Формангиз ўзингизга ярашаркан ука, - дея гап бошлади аввалига эгнидаги формасига ишора қилиб. - Исми-шарифингиз нима? Нима ҳақида гаплашамиз...

- Исми Шухрат, - жавоб қилди у, фикрини жамлаб. - Гапни эгнимдаги формамдан бошлаганингиз аини мудо-дао бўлди... Лекин... Шу формам тўғрисида кўнглим оғриб, олдингизга маслаҳат сўраб келганим...

Аслида милиция ходими бўлишни болалигимдан орзу қилганман... Ота-онам нафақа ёшадилар. Оилада бир қиз, бир ўғилмиз. Ўғил бола бўлишимизга қарамасдан ойим мени еру қўкка ишонмасдилар. Лекин, отам ҳар доим "Ўғил бола мард, ақлли-хушли, ота-онасига суянчиқ, элу юртга ҳимоячи бўлиш керак" - дея таъкидлардилар. Дастлаб мактабда, кейинчалик инсти-

тутда ўқидим. Ҳарбий хизматга ҳам ўз хоҳишим билан кетганман. Ҳамон эсимда, ойимга "Армияга кетаяпман", деганимда, ҳазиллашяпти деб, ишонмагандилар. Отам эса: "Тўғри қилибсан. Аскарлик ҳар бир йигитнинг қарзи. Ватани олдидаги бурчи", - дедилар.

Хизмат ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Уйга қайтгач болалиқдаги орзуимга эришиш истаги билан юрдим. Ниятимни отам билан бўлишдим.

- Уғлим, мен розиман, - дедилар у киши. - Аммо ёдингга тут, касбинг тақозоси билан бўлса-да, одамлар кўнглини оғритма, қалбига қулоқ тут, ҳалол, пок ва кечиримли бўл. Кишиларга озор берма. Ана шунда Оллоҳ сени қўлайди.

Шу тариқа ота-онам дуосини олиб туман ички ишлар бўлимида балоғатга етмаган ўсмирлар билан ишлаб бошладим. Касбимга чин дилдан меҳр қўйганман, эгнимдаги формамни яхши кўраман... Ҳаёт борки, яшаш бор, - давом этди у. - Бу дунёда севмаган, севилмаган инсон бўлмас керак. Қолаверса ёшим ҳам 26 га яқинлашиб қолди, уйланишимни ота-онам зорикиб қутишяпти.

Гулшан деган бир қиз бор эди. Қўшни идорада ишларди. Очик чехрала, қулғичлари ўзига ярашиб тушган, истараси иссиққина. У билан кунда са-

лом-алиқ қилардик. Бора-бора мен уни бир кун кўрмасам ҳам туролмайдиган бўлиб қолдим. Хуллас, севиб қолдим... У оилада тўнғич фарзанд экан. Уйлари-га бориб-келиб юриб, онаси, ука-сингиллари билан танишдим ва дўстлашиб қолдим. Ойисини ота-онам билан таништирдим. Ҳар икки томон тўй тарадудига тушишди. Лекин, афсуски, орадан унча кўп вақт ўтмай қиз томон норо-зилик билдирди.

Сабабини билиш учун Гулшан билан учрашдим.

- Шухрат ака, билдасиз, ёлгон аралашган ҳаёт бир кунмас бир кун барҳам топади. Эътибор берган бўлсангиз дадам билан сизни таништирмадим, - дея унсизгина кўз ёши қилди у. - Бунинг боиси бор. У киши ҳозир хизмат сафаридилар. Қачонлардир бир милиционер етказган озорни ҳали-ҳали унутмайдилар. Шу сабабли "Қизимни милиционерга эрга бермайман", деб мактуб йўллабдилар...

Мен унга тасалли бериб юпатдим. Онасига ҳам учрашдим. Елиб-югуришларим бефойда кетди. Адасининг айтгани айтган экан... Нима қилишимни билмай қолдим... Ўйлаб-ўйлаб шу ерга маслаҳат сўраб келдим...

Шу ерга келганда унинг овози бўғилди, кўнгли бузилди. Нафасини ростлаб олиб гапида давом этди:

РЕДАКЦИЯГА ТАШРИФ

Мана, сиз менинг юрагимни қийнаётган дардим билан танишдингиз. Айтинг-чи, нахотки, мен қачонлардир бир нопок кимса йўл қўйган хато тўғрисида ўз бахтимни қўлдан бой берсам?..

Шухратнинг бузилган, оғринган кўнглига далда бердим. У муҳарририятимиздан умидвор бўлиб кетди. Уни кузатдим узим ҳам қалбимда қаттиқ бир оғриқ туйдим. Гўё унинг дарди менга кўнгандек эди. Икки севишган кўнгли орзу қилган бахт эшиги ланг очилган бир пайтда, четдан қараганда арзиманган, лекин тақдир филдирагини бошқа томонга буриб юборишга қодир биригина "Йўқ" деган сўз жароҳатини ўйлаб, узок ҳаёлга толдим.

Гарчи унга:

- Гулшанойнинг дадасини қутинг, келса ўз билан гаплашиб кўринг, зора сизни кўриб фикри ўзгарса, - деб юпатган бўлсам-да, иш яхшилик билан тугашига қайил бўла олмадим. Ҳар бир оила ўзи бир салтанат. Унинг ўз орзутилаг, ёзилмаган қонун-қоидалари, ўз эътиқоди бор. Зеро, бутун қалбим билан Шухратжоннинг бахтли бўлишини истасам-да, бегона бир оиланинг тақдир ишига аралаша олмадим.

Сиз қандай маслаҳат берган бўлардингиз, азиз газетхон? Одатдагидек, мактубларингизни кутиб қоламиз.

Лола АХМЕДОВА

# АЁЛ ҚАДРИ-УНИНГ НОМУСИДАДИР

Садаф! Севимли газетамиз орқали дил ихзорингизни ўқир эканман, бениҳоя бир аёл сифатида кўнглимдан жуда кўп нарсалар кечди ва қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Авалламбор, ҳаётингизда содир бўлган бу аянчли воқеа — "хиёнат" албатта катта ва кечирилмас гуноҳ ҳисобланади. Лекин минг афсуски бўлиб ўтган ҳар бир нарсани орқага қайтаришни илоҳи йўқ. Сиз мактубингизда "мен жуда гўзалман" деб ёзибсиз ва "мана шу чиройим бошимга етди" дея оқ урибсиз. Энди эшитинг азизим!

Хусн инсонга Оллоҳ томонидан берилган неъматлардан бериدير. Дунёда хунук аёлнинг ўзи йўқ. Қолаверса, аёлни хусни эмас, балки қалби, дили, виждони чиройли бўлсин. Сиз чиройингиздан кибрланиб хиёнатга қадам қўйдингиз. Ҳўш, нима бўлди? Бу бир кунлик маишат-хурсандчилик сизга нима берди? Сиз ёш қиз эмассизки баъзи бир нарсаларни тушунмаган бўлсангиз. Ҳозир қизлар ҳам ҳамма нарсани биладилар. Оила кўргансиз, сизга ўша О. акангиз чарм куртка совға қилмоқчи бўлганда "мендан нима истайди" деб уйга бориб ўйлабсиз. Ваҳоланки, ўша кунни ўзидаёқ эрингиз ишдан келганда сўнг гўёки кўзингизга соқоллари ўсган, сочи тўзиган ҳолатда кўринган. Буни ўзингиз ёзибсиз. Энди байрам ўтиришидан сўнг О. акангиз сизга "кетмай туринг, ўзим нарироққа элиб қўяман" деб тайинлабди. Нима учун сиз оилани, эрли бўла туриб ўзга бегона киши билан (гарчи у сизни раҳбарингиз бўлса-да) ёлғиз машинага чиқдингиз. Ахир бегона аёл ва эркак ёлғиз бўлганда улар орасида албатта шайтон туришини билсангиз керак. У киши сизни ўша уйга олиб бориб, безатилган столга тақлиф этиб ва ҳоказо ишлар бўлиб ўтди... Агар сизда ўша нарсага хоҳиш

бўлмаганида эди, ёки иродаси мустаҳкам, қатъиятли аёл бўлганингизда, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзингизни қўлга ололганингизда ўша хиёнат рўй бермасди. Лекин эркак билан аёл муносабатида айбни нукул эркакдан излаш ҳам инсофдан эмас. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди. Гапимни тўғри қабул қилмайсиз.

Ҳадиси шарифда "никоҳсиз зино дунёни бузади" деб ёзилган. Ҳеч бўлмаганда бегона эркак бағрида эканлигингизда кўз олдингизга фарзандингиз ёки ўз ёстиқдошингиз келганда эди, балким бу гуноҳлар кўчасига қирмаган бўлардингиз. Кеч бўлса ҳам қилган катта хатоингизни тушуниб етибсиз. Ўз айбини буйнига олишлик ҳам-мардлик. Мактубингизда "Эримга айтмайми ёки ажрамайми" деб маслаҳат сўрабсиз. Маслаҳатим: "Эринг-ярим пиринг", - деган бебаҳо нақлни эсланг. Эри бор аёлнинг эрига нисбатан қилган гуноҳларининг ичида энг ёмони "хиёнат"

гизнинг қолган қисмини иймон нури билан ёритса ажаб эмас. Аммо шуни унутмангки, оила муқаддас бир неъматдир. Уни хиёнат билан, хиёнат суви билан кўкартириб, яшнатиб бўлмайди. Бўлиб ўтган воқеалар бир умрга юрагингизда қолишини маслаҳат бераман. Агар эрингизга айтар бўлсангиз албатта оилангиз бузилади. Чунки ўзини билган хатоингиз эркак ҳеч қачон бу қолатни кечирмайди, гарчи ўртада фарзандлар бўлса ҳам. Энди буёғига қилган хатоингизни фақат ва фақат яхшилик, оилангизга садоқат, эрингизга меҳру-муҳаббат билан тўғриланг. Тагин яна чиройингиздан кибрланиб ўша каби гуноҳларга асло ботманг! Аёл зотиға гўзаллик, сабр, меҳрни керагидан ортққ бериб қўйган экан, уни чин бахтингиз учун сарф этинг!

Инсон бу дунёга фақат бир марта келади. Шунинг учун у ўз умрини фақат яхши ишларга бағишлаши керак. Бу дунёда инсон қанча саваб

камчиликларини кечириб, кўнглига озор бермай яшаганга нима етсин! Ислому дини аёлларга "эринг жаннатинг" дея уқтиради, буни унутманг.

Тўғри, одамзот қонида шайтон васвасаси айланиб юриши - бор гап. Лекин ҳар бир аёл ўзини-ўзи ҳимоя қила олиши керак. Ҳамма айбни шайтон шўрликка тўнкайвериб ҳам инсофдан эмас.

Оилада озроқ қийинчилик туғилгани сабр-қаноат қилиш ўрнига, дарҳол айюҳаннос солиб, ҳаётдан норози бўладилар, турмуш ўртоқларидан нолийдилар. Ўйламайдиларки, оининг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғлигини...

Шайтонга кул бўлманг, азиз аёллар! Худога минг қатла шукроналар бўлсинки юртимизда тинчлик, осойишталик. Ишлаш учун ҳамма шароитлар етарли. Енгил-елпи ҳаёт кечириб пул топганда кўра, ўз меҳнатингиз билан топиб кийинсангиз, яшасангиз бундан ортққ бахт йўқ деб ўйлайман. Зеро аёл қадри-унинг номусидадир. Номусини оёқ ости қилган аёл ҳаммаша эл назаридан четда қолган. Ҳар бир аёл шарму-хаёсини, поклигини сақласа, эрларнинг ҳам элу-юрт олдида номусдан қадрлари букилмайди. Ҳар бир ишга кўл урарканмиз, миллатимиз удумини, болаларимиз урф-одатини унутмайлик дедим. Ўзбек халқида "Инсоф" деган ажайиб сўз бор. Инсоф унутилса орадан кадр-киммат, меҳр-оқибат кўтарилади. Бу дунёда эса қадрсиз бўлиб яшашдан ҳам ортққ бахтсизлик йўқ!

**Кўлларим кўксимда бетинч-бетоқат, Таъзимлар қилурман сенга ушбу дам. У менми, у сеним ким бўлма фақат. Сенга инсоф берсин "Учинчи", одам!..**

ГУЛЧЕХРА

К И Л С А Ш У Н Ч А ЯХШИ, ГУНОҲНИНГ ЭСА БИТТАСИ ХАМ КЎПДИР. ТОКИ, У БУ ДУНЁДАН ЎТИБ КЕТГАНДА НОМУСДАН КАДРЛАРИ БУКИЛМАЙДИ. ҲАР БИР ИШГА КЎЛ УРАРКАНМИЗ, МИЛЛАТИМИЗ УДУМИНИ, БОЛАЛАРИМИЗ УРФ-ОДАТИНИ УНУТМАЙЛИК ДЕДИМ. ЎЗБЕК ХАЛҚИДА "ИНСОФ" ДЕГАН АЖАЙИБ СЎЗ БОР. ИНСОФ УНУТИЛСА ОРАДАН КАДР-КИММАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ КЎТАРИЛАДИ. БУ ДУНЁДА ЭСА ҚАДРСИЗ БЎЛИБ ЯШАШДАН ҲАМ ОРТҚҚ БАХТСИЗЛИК ЙЎҚ!

Тошкент

## ЭРКАКЛАРНИНГ ЎЗИ САБАБЧИ

Ҳаёт шундай мураккабки, яхши кунлар ҳам, ёмон кунлар ҳам бор. Ҳаётда инсон қоқилади, сурилади, боши деворга тегиб кўзи очилади. Мана сиз, Садафхон, кўзингизни очилиб, вақтида ўз хатоингизни тушуниб ета олибсиз. Сизнинг болангиз бор экан, шунинг учун эрингизга айтишингиз ҳожати йўқ деб ўйлайман. Чунки, эрингизга айтиб ширин жонингизга озор бериб, оилангиз бузилиши мумкин. Виждон азобининг ўзи болангиз олдида юзингиз шувут бўлгани, бир кечалик кайф-сафо учун Оллоҳ таолонинг жазолаганидир. Яхши гап илоҳни инидан чиқаради деган нақл бор халқимизда. Турмуш ўртоғингиз сизга ҳам яхши гапириб, бўлар-бўлмасга сўқиниб, дил ортққ гаплар қилмаганида эди... Балки сиз бундай қадам қўямасдингиз...

Қанийди кўзингиз ҳам турмуш ўртоғимиз яхши муомалада бўлса, оғзимиздан нима чиқса муҳайё қилса. Балким бизлар, яъни адашган, биллиб-билмай қадам босган аёллар оиламизга ҳаром ҳарошани аралаштирмаган бўлар эдик. Мен ҳам Садаф-

хон сиз каби адашган бандаларнинг бириман. Сизни ўзи О. акангиз олиб борган бўлса, ман дугонан билан, ўз оёғим билан "пулли бойваччаларга" бордик. Биринчи ўтириш таъинлик кечаси бўлиб, бир-биримиз билан таъиндик.

Ҳамма нарса муҳайё, қимматбахор ичимликлар, ширинликлар, палов, кабоб, ҳаммаси бор. Ширин сўз акалар биздан 20-23 ёшга катта эди. Уларда ҳамма нарса бор эди - чет эл машинаси, 4-5 та уйи, дачалари дейсизми, ҳаммаси бор эди. Бизларни қўйрга жой топпмай, шундоқ ширин хушомадлар қилишардики... Хўжайинимнинг эса қовоқлари солиқ. Сен аёлсан деб бирон бор кўнгли ҳам сўрамайди. Мен эва ўша ўтиришларни кўрсардим. Иккинчи, учинчи марта яна бордим. Самад аканинг (ман танишган эркак) ширин гап-сўзлари, машинада хоҳлаган жойга олиб боришлари менга жуда ёқарди. Лекин, уйга келиб қайнотам ва хўжайиним олдида виждоним қийналарди. Ўзининг шунчалик енгилтма эканлигиндан ҳазар қилардим.



## "Чиройим бошимга етди"-27-сон

**ЭСЛАТМА:** "Ишхонадаги бошлиғимизнинг хушомадларига учиб, хиёнат йўлига кирдим. Энди қийноқдаман, виждон азобиди қолдим", - деб ёзганда Садаф.

Бир томондан эса хўжайинимнинг ҳам менинг устимдан юриб - "фоҳиша"ларга борганини, мен жанжал кўтарсам, томоғимдан бўғиб, ўзимдан кетиб қолганимча қўйвормаганини, уриб-тепиб сочларимни юлганини эслаб, унга "мана юриш ундокмас, мундоқ", - дегим келади. Лекин, орамизда бир эмас, бир-биридан ширин 3 та боламиз бор. Оилам бузилишини ҳам хохламайман. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Самад ака билан учрашувга бошқа бормадим. Лекин, кўркув, виждон азоби мени тинч қўймапти. Шунинг учун ҳам бошимдан ўтган бу саргузаштлар бошқа аёлларимизга сабоқ бўлар деган ниътаданман.

Аёлларга бойваччаларнинг пулига учиб кейин бир умр кўркув ва виждон азобиди юрманг, ундан кўра ўз оилангиз мустаҳкамлигини ўйланг, дегим келади.

Тошкент вилояти

М.

## ЯХШИ ОИЛА БЕКАСИ БЎЛИБ ҚОЛИНГ

Садаф биринчи ишга олинганлар деб борганда кўзи уйнаган бошлиқни кўрган заҳоти тезгина бу дўзах жойдан чиқиб кетиб, бир умр уй бекаси бўлиб қолиши керак эди. Чунки мен ҳам чиройли, аёллар айтишича, ниҳоятда истараси иссиқ аёлман (бу мақтаниш эмас). Бошимга шундай ишлар тушган, мисол, дўконда менга бошқача муомала қилишганда бошқа шу дўконга қирмаганман. Тилёғлама таксичига боғлаб жавоб қайтарганман. Чунки келишган, каму-кўсти йўқ (албатта мен учун) умр йўлдошим бор. Бошқа эркаклар қарасида ё гап ташлашса кўнглим айнийди.

Сиз энди Садафхон қозонни ёпиб, атрофини тоза тутиб, гуноҳингизни ширин тил билан пинҳона ювинг. Илтимос, зинҳор бу воқеани эрингизга айтманг. Чунки ориятли эр сизни хотин қилмаслиги мумкин. Менинг сўзимга сира хафа бўлманг. Оллоҳдан кечирим сўранг. Сизга бахт тилайман. Уй бекаси бўлиш ҳам бир Оллоҳни неъматдур.

Сўзимни охири: "Мен аниқ биламан, чиройим иш берди", - деган жойни ўқиб сиздан ростки нафратландим. Ўша вақтда, яна қайтариб айтаман, тез, жуда тез у ерни тарк этганингизда эди, яна ҳам гўзал бўлиб қолган бўлардингиз.

Фаргона

З.ҲАСАНОВА

## АЁЛЛАРИМИЗГА САБОҚ БЎЛСИН

Мен бу синглимга жуда ачиндим. Чунки бу синглимиз қилган ишидан жуда пушаймон.

Менинг бу синглимга тилагим шуки, ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолгани яхши, чунки битта фарзанди, яхшигина оиласи бор экан. Ўз гуноҳини вақтида тушуниб етгани яхши. Синглимиз Гулнорага ўхшаб бундай сурбет, виждонсиз, иймонсиз бошлиқнинг қурбони бўлмаганига шукрлар бўлсин.

Синглим Садафхон, сиз жуда тўғри йўл тутгансиз. Бу мақолани ёзганингиз анчагина аёлларимизга сабоқ бўлади деган умиддаман.

Бухоро вилояти, Ромитан тумани

ҲАМИДА

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОМЛАР



**Севиклим НОЗИГУЛ, суюқлими СИТОРАОЙ!**

Сизларни туғилган кунингиз билан чин қалбидан муборакбод этаман..

Таваллуд кунингиз ила табриклайман! Муборак кунларда қутлайман сизни, Умрингиз йўллари гулларга тўлсин. Энг ширин орзуга жуфтлайман сизни: Оллоҳим сизларга мададкор бўлсин!

**ХАЙРИДДИН**



**Азизим МУНОЖОТ!**

Таваллуд айёмингиз муборак!

Сизга дунёдаги эзгу ниятлар ёр бўлсин. Чехрангиздан табассум аримасин.

**Хурмат билан дўстингиз**

“Оила ва жамият” газета редакцияси ўзининг асосий манзилидан (Амир Темура кўчаси 1-тор кўча, 2-ўйнинг 4-қавати, Олой бозори ёнида) ташқари Матбуотчилар кўчаси, 32-ўйнинг 6-қаватидаги 609-хонада (газеталар корпуси) ҳам ҳар куни табрик, эълон ва рекламаларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан қабул қилади.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази тақлиф этади:

**2 ойлик:**

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - бухорча.
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ойлик:**

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Манзил: Абай кўчаси, 4 “А”-уй, 1-қават, 115-хона  
Тел: 144-03-25; 125-19-15.  
Мўлжал: “Алишер Навоий” метро бекати.

### “ШОДҒАМ-МИ, ШОЛҒОМ?”

Қадимда бир бева аёл ва унинг уч нафар фарзанди бўлган экан. Улар зўрга ҳаёт кечирар, гоҳо егуликка ҳеч нарса тополмай оч-ночор, юпун ҳолда кунларни ўтказишаркан. Бечора она бир куни минг азоб-уқубатда олиб келадиган каврак, тотронларни ҳам топа олмабди. Уйга қайтиб келгач, йўғлай-йўғлай оч қолган болаларини бағрига босиб, иложсизликдан кумғонга сув ва тўрт-бешта тош солиб ўчоққа осиб қўйибди.

Эй парвардигор, бир муштирапар онанинг оҳ-зорини эшит, ўқинч ҳасратларини тингла.

Берган ҳар кунингда болаларимга насиба излаб, товоңларимдан қон оқа бошлаганига раҳм қил, ҳеч бўлмаганда мен ожизанинг жонини олиб бўлсада, дилбандларимни бағрингга ол, - деб Оллоҳга ёлворибди.

Тонг чоғи кўзларида йўқ қолган онаизор қарахт бўлиб, болаларини туришга ундабди. Минг афсуски, бу пайтда кенжа фарзанди гўжанак тушиб чин дунёга кетиб қолганди...

Чорасиз қолган она очликдан кумғон томон талваса қилаётган икки гўдагига идишни келтириб очгач, ҳайратдан ёқа ушлабди. Не кўз билан кўрсинки,

### МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

Ҳаётда инсоннинг бошига ҳар хил кунлар тушаркан. Кунларнинг бирида тўсатдан гепатит билан оғриб касалхонага тушиб қолдим. Врачларнинг ташхиси бўйича билмасдан хасталикни ўтказиб юборибман. Жигарим қурий бошлаган экан. Аҳволим жуда оғир эди.

Лекин... Бахтим бор экан, ўз касбини жондан севган, малакали, ажойиб шифокорларнинг қўлида даволаниб тез орада уйимга, фарзандларим, келинларим, набираларимнинг бағрига қайтдим.

Тошкентдаги 5-юкумли касалликлар шифохонасининг меҳридарё шифокорлари Чаросхон Одилова, Дилфуза Абдурахмонова, Зухра Саиджалолова ва Гулчехра хонлар қўлларидан келган чора-тадбирларни қўллашди. Мени ўлимдан олиб қолган жонга-жон шифокорларимга чин кўнглидан ташаккур билдираман.

**Сайёра ЗОҲИДОВА**  
Шайхонтоҳур тумани

### БИЛАСИЗМИ? ИГНАНИНГ ТАРИХИ

“Тарих энциклопедияси”да ёзилишича суюқдан ясалган тешикли игна бизнинг мамлакатда - ўн тўққиз минг йил аввал, яъни охириги полеволит давридан бери мавжуд. Чет эллик археологлар эраизмизгача бўлган биринчи минг йилликда ишлатилган игна ва игнатугмаларни топишган. Улар ўзининг нозиклиги ва ишлатиш учун қулайлиги билан ҳозирги игнадан асло қолишмайди.

XIV асрда симни тортиш кашф этилганда игна ясаш революцияси пайдо бўлди. Узоқ вақт бу товарни Европага Германия ва Испаниядан етказиб турилди.

Лекин, 1650 йилдан бошлаб бу монополияни англияликлар қўлга олишди. Чунки, улар игна чиқариш учун махсус станоклар яратишган эди. Игна ясаш тарихи Россияда Пётр I давридан бошланади. Унинг буйруғи билан 1717 йилдан бошлаб ака-ука савдогарлар Рамин ва Сидор Томилини Прона дарёси бўйидаги Столбци ва Каленци кишлоқларида иккита игна фабрикаси қуришди.

Ҳозирги кунда игнасиз хонадон йўқ. Шунинг учун унинг тарихини ҳам билиб қўйсак, чакки бўлмас...

**Раъно ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
Талаба

### ТУРФА ҲАНГОМАЛАР

Дўконда тарозидан уриб қолган сотувчига харидор деди:

- Бунақа тортишда кўлингиз қалтироқ бўлиб қолмайдими?
- Ҳозирча жойида, кўриб турибсиз-ку! - дебди сотувчи.
- Демак, ҳозирча виждон жойида эмас экан-да, - дебди харидор.

Мол бозорида қўй сотаётган киши харидори бўлмиш тиш докторига қўйини оғзини очиб мактаб кетдиби:

- Тишларини кўраясизми? Хали ёш, худди дурга ўхшайди!
- Кўриб турибман, қўйингизнинг оғзида бирорта ҳам ясама тиш йўқ. Нарҳига келсак, тилла тиши бор қўйнинг баҳосини айтаяпсиз! - дебди харидор.

Тиқиланч автобусда чўнтагига тушган қўлнинг маҳкам ушлаб олган Афанди:

- Тавба, уйдан чиқаётганимда хотинимнинг қўли уйда қолган эди-ку, бу кимнинг қўли бўлди? - деб атрофдагилардан сўрабди.

**Саидмурод САИДАҲМАД**

### РЎЗА ВА САЛОМАТЛИК

Рўза - рухий тарбия ва жисмоний ибодат сифатида қадимдан мавжуд. Кундалик ҳаётимизда муборак Рамазон ойи барча мусулмонлар учун азиз ва муқаддасдир. Ҳар бир мусулмон учун шу ойда бир ой рўза тутишлик, Исломининг беш руқнларидан биридир. Замони, ўн тўрт асрдан буён башарият оларини ҳидоят учун давъат этиб келаётган Куръони Карим ушбу ойда нозил бўлган. Аллоҳ таоло ўз каломи шарифида шундай марҳамат қилади: “Эй, аймон келтирган бандалар, сиздан олдин ўтган халқларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутмоқлик фарз қилинди, шунда ёмонликдан ҳимоя қилинурсиз”. Пайгамбаримиз алайҳиссалом “Рамазон ойда кимки иҳлос, эътиқод ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб рўза тутса, унинг барча ўтмиш гуноҳлари мағфират қилинади”, деб марҳамат қилганлар.

Рўза араб тилида “ассавам” дейилади, у бир нарсадан ўзини тийиш маъносини аналтади. Шариатда эса у тонг отгандан кун ботгунга қадар Аллоҳнинг розилигини талаб, ният қилиб, ёмоқчилик ва жинсий алоқадан ўзини тиймоққа айтади.

Рўза тутиш эс-хуши бугун, саломатлиги яхши, балоғат ёшига етган ҳар бир мусулмонга фарз қилинади.

Куйдагилар рўза тутмасликнинг узрли сабабларидан ҳисобланади: инсон касаллигининг кучайиши ёки тузаланишининг кечикишидан кўркса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзи ёки гўдакка зиён етишидан хавф қилса, кексалар рўза тутишга қодир бўлмасалар, сурункали дардга мубтало бўлиб йилнинг 12 ойда рўза тутиш саломатлигига тўри келмаса.

Бу ташаббуҳи кишилар рўза тутишга маъно бўлган сабаб кетгандан сўнг қолдирган кунларини қазо қиладилар, кексалар ва сурункали дардга мубтало бўлганлар бир кунлик ейдиган таомлари микдорига мискинларга фидя берадилар. Яъни, 30 кун ичида 30 та мискинга фидя эҳсон (таом ёки унинг маблағини) беришликдир.

Рўза тутган киши унинг руқн, суннат ва одобларига ҳам риоя қилиши керак бўлади. Кечаси овқатга тўйиб олмаслик, саҳарликда ҳам ортиқча емаслик лозим. Ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилиш инсонга зарар келтиради, ҳар хил касалликларга чалинишига сабаб бўлади.

Ҳар 12 ойнинг бирида узлуксиз ишлаб турган овқат ҳазм қилиш аъзоларининг 12 соатдан ортиқ ишлашдан тўхтаб туриши маъносидига рўза танга фойда келтириши ва уни турли хасталиклардан сақлаши тиббий жиҳатдан фойда эканлиги исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Буни ҳозирги замон тиббиёт фани ҳам инкор қилмайди. Олим ва уламолар таъкидлашчи ва ҳужуд бир ой давомида тубдан ўзгарган бир таъминот тартибига мослашади ва хасталикка қарши кураш қобилияти ортади ва ҳ.к.

Рўза - ақлнинг қарқидир. Буни Пайгамбаримиз: “Кимни қорни очса, фикри кенгайиб, кўнгли (қалби) равшанлашади”, деб баён қилган бўлсалар, Луқмон Ҳаким эса ўғлига: “Қорин тўйса, фикрни мудроқ босади, ҳикмат ўтмаслашади, жисм ибодатга сузлашади” деб

насиҳат қилганлар.

Француз табиби қирқ ёшдан ошган ҳар бир кишига ҳафтада бир куни тўла оқ ўтказишни тавсия этади.

Профессор Ю.С. Николаев ҳозирги кунда кенг тарқалган 30 га яқин касалликни рўза тутиш билан даволаш мумкинлиги фикрини олға суради.

Мисрлик машҳур табиб, тиббиёт фанлари доктори Муҳаммад Жаъфар ўз китобларида қуйидаги касалликлардан бирига чалинган беморларга рўза тутмасликни тавсия этган:

1. Сил, камқонлик (анемия), кўк йўтал, ўпка ва юрак касалликларига чалинган беморларга;
2. Ошқозон ва ичак касаллигига;
3. Иситмаси бўлган ва қон босими баланд ёки паст бўлиб турганларга;
4. Касалдан янги оёққа турганларга, операциядан чиққанлар ва жисмонан заифларга;
5. Ҳомиладор аёллар, эмизикли боласи бўлган оналар ва ёши ўтиб мункиллаб қолган қарияларга;

Таниқли олимимиз профессор У.З. Қодиров юқоридагиларга қўшимча қилиб қуйидаги касаллиги бор ёки соғ одамларнинг айриларида рўза тутмасликни тавсия этади:

1. Ингичка ичак ва йўғон ичгадига касали бор беморларга;
2. Моддалар алмашинуви бузилган, хусусан қандли диабетти бор беморларга;

3. Узоқ вақт давомида сурункали касаллик туфайли ҳолдан тойиб қолган одамларга;

4. Ёш болалар ва кун давомида оғир жисмоний иш билан шуғулланган одамларга.

Рўзадорлар саҳарликда энгил, тўйимли, қувватни оширишда ёрдам берадиган таомлар истеъмол қилганлари маъқул. Жумладан, шакар ҳамда ёнғоқ мағзи туйилган нон, буғдой, тарих ва гурчи талқони, лоҷира нон, туршак, асал, сариғ ёғ ёки қайноқ қатиқли ва сутли овқатлар, буғда пиширилган таомлар шулар жумласидандир.

Ифторлик таомлари ҳам кун бўйи оч бўлган ошқозон учун оғир бўлмаслиги лозим. Булар унчалик ёғлиқ бўлмаган суюқ ҳамда сутли ва қатиқли овқатлар (ширғурч, қайла ош, ширхўрда) ҳўл ва қуритилган мевалардан, сабзавот ва кўклардан иборатдир.

Саҳарликда кўпича зўр ва кўп овқат ейиш, айниқса кун бўйи оч юриб, кечқурун ифторликда бирданига кўп овқат ейиш қонни зарар. Шунинг учун саҳарликда ҳам, ифторлик қилганда ҳам овқатланишдан 20 дақиқа олдин бир пиёла сув, турли хил ҳўл мева ва сабзавот, ҳазм қилиниши энгил бўлган ва витаминларга, минерал моддаларга, микроэлементларга бой хилма-хил таомлардан оз-оздан еб туриш яхши бўлади.

Агар юқоридаги айтилганларга амал қилиб рўза тутилса, рамазон ойдан кейин ҳам киши ўзида толиқлик сезмайди, ақсинча, айрим хасталиклардан тузалиб кетиши ҳам мумкин.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент

**(Боши ўтган сонларда)**

- Биз операция қиламиз, - деди дўхтир, - лекин жуда қалтис. Бундай операциянинг ўндан бири ижобий чиққан. Уша учун сизни умидвор қилолмаймиз. Дори-дармон, операция учун катта маблағ керак ука, биз Украинадан профессор чақирамиз. Уларни келиб-кетишини, яна бошқа харажатларини кўтара олсангиз операция қиламиз, бўлмаса даволаш бўлимига ўтказамиз.

Топган-тутганини олиб келиб уларни қўлига икки кўлаб топширдим. Биласизми, ҳаммаси бейфойда кетди. Умр бўйи йиққан-терганларим, бойлигим, мол-дунёим ёлғиз фарзандимни ўлим чагаллидан олиб қололмади. Кизчам операциядан чиқмаганини эшитган рафиқам дод солиб фарзандимиз ётган жаррохлик хонасига кириб кетди. Шошиб мен ҳам кирдим.

- Эй Худо, нега бизни бунчалар бешафқат жазолаяпсан, қайси гуноҳларимиз учун болаларимни бирин-кетин олаяпсан, мурғакларимда не айб?

Хотинимни бу сўзлари миямга тўқмоқ ургандек тегди. Энди англаб етдим, кетма-кет фарзандларимнинг ўлими менга Юлдуз учун қасос мисоли, қайтар дунё тарихида юз бераётганди. Бошимни чаггаллаб ўтириб қолдим. Мени ҳолатимни кўриб рафиқам бир нимани сезди шекилли, олдимга келиб жаҳл билан ёқамга ёпишди.

- Айтинг дадаси, нега бизни бошимизга бундай фалокатлар, мусибатлар ёғилаяпти, нега бизнинг уйдан барака қочди...

Жаҳлим чиқиб кетди, лекин ўзимни босдим, ҳозир хотинимни бу аҳволда ранжитиб, сўкиб бўлмасди. Уни секин кучоқлаб сочларини силаб юпатдим.

- Билмадим, Дилафрўз. Кўй, йиғлама, ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Афсус... Ҳаммаси жойига тушишга улгурмай фарзандларимиз айрилиғини кўтаролмадимми ёки... оғир аҳволда Дилафрўзномини ҳам кардиология (юрак касалликлари) шифохонасига ётқиздик. Уни ҳам кўтариб қолишни иложи бўлмади. Ўзим ҳам онгли, тафаккурли инсон сифатида нима бўлаётганига, нега кетма-кет ўлим юз бераётганига ҳеч ақлим етмасди.

Ўлими олдида рафиқам илтижо билан термулиб сўраганлари ҳали-ҳали қулгим остида жангалайдми.

- Дадаси, ўлимни яқин шекилли, юрагим сезаяпти, уша учун ўлимни олдида Оллоҳ номига қасам ичман, оиламиздан файзу-бараканинг йўқолишига, бахтсизликлар юз тутишига мени заррача гуноҳим йўқ. Худо томонидан берилаётган бу беаёв жазолар балки сизнинг гуноҳларингиз учун берилаётгандир. Айтинг, кимни қарғишига қолдингиз, қандай гуноҳ иш қилдингиз? Айтинг, токи қалбим у дунёга тинчланиб кетсин. Биламан, сиз ҳозир менга, ўлимни олдида ёлгон гапирмайсиз, айтинг дадаси, айтинг! Ўзингиз ҳам энгил тортасиз!

Йиғлаб юбордим. Хотинимни кўзларига қарай олмай, қилган гуноҳларимни тан олдим.

- Ҳа онаси, буларнинг барчасига мен, нокас эрингни сенга қилган хиёнати сабабчи. Шу саёқ-

лигим дастидан эндигина қаддини ростлаб олаётган оила барбод бўлиб, йўқолиб кетди. Қайтар дунё экан, сизни ҳам...

Дилафрўз қолган сўзларимни эшитолмади. Мени қийналиб гапириб ўтирмасин дедими ёки бундай оғир сўзларни эшитишни хоҳламадимми Яратганим уни ўз даргоҳига олиб кетди. Мен эса... зор-зор йиғлаб қолавердим.

Кунлар, ойлар ўтди. Катта данғиллама ҳовлида бир ўзим яккамаҳов бўлиб қолдим. "Қара-я, - дердим ўзимга-ўзим. — Бир оила, кейин яна бир оила ана-мана дегунча тўзиб кетди. Наҳот бу қайтар дунё деганлари шунчалик бешафқат бўлса."

Лоп этиб асимга Юлдузнинг эри Қахрамон тушиб қолди. Ишқилиб у бечорани яна қамаб қўйишмадимикан, дея милиция бўлимига излаб, суриштириб бордим.

- Уни Тошкентга, Марказий руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетишган, - деди навбатчи. - Хотинининг ўлганини кўтаролмай жинни бўлиб қолибди.

Жойимда қотиб қолдим. Демак... қайтар дунё, ҳадемай мен ҳам ёлғизликдан, руҳий азобдан жинни бўлиб, Қахрамонни олдига борсам керак. Бир ой бўлди, на уйқумда, на ўнгимда ҳаловат бор. Кечалари ухлолмайман. Худди жин-фаришталармие, руҳларми-е келиб бўғишади. Кўзим-

# НОМАРДЛИК

## ЁКИ ХУДО УРГАН ЙИГИТНИНГ КАСОФАТИ

ни юмдим дегунча Юлдузнинг жилмайган чеҳраси кўринади. Ундан кейин хотиним, фарзандларим бошимга оғир тошлар билан уришади. Ҳозир уйимга киришга қўрқаман. Ойимникига ёки укаларимникига бориб ётаман. Ҳақиқатан мен ҳам Қахрамон сингари жинни бўлиб қолаяпман.

Ёзинг шуларни, ҳаммасини ёзинг! Яхши-ю-ёмон одамлар ўқиб хулоса чиқаришсин, ахир айтадиларку "...ёмонни кўриб фикр қил!" деб. Менинг номардлигим ўзимни бошимни еди.

Ҳамсўхбатим жим бўлиб қолди, у йиғларди. Доим тушқулликка тушган, ҳаётда эзилган инсонларга далда бўлгинг, уларни юпатгинг келади. Лекин, негадир мени бу одамни овутгим, кўнглини кўтаргим келмади. Аксинча, ундан жирканиб, нафратланиб ўтирардим. Ахир, бундай жоҳил одамни, Худо урган бандани ким ҳам ёқтиради дейсиз.

- Дилшодбек, мен айганларни битта қолдирмай ёзинг, ўзимни исминни кўйинг. Майли, ҳамма билсин, одамлар энг кўп ўқийдиган газетгага беринг. Яхши-ёмон одамлар ўқиб муҳокама қилишсин.

Собир шундай деб ўрнидан турди-да, чиқиб кет-

**ТУРМУШ САБОҚЛАРИ**

ди. Унинг орқасидан қараб қоларканман, бу манфур кимсанинг тақдир ҳикоясини ёзиш-ёзмасликни уйлаб қолдим. Шу пайт, кўзим унга чой узатган пёбелага тушди. Уни олиб деразадан улоқтирдим. Ёмоннинг иллоти ўзи каби ёмон бўлади, уни юқишидан Худони ўзи асрасин.

Қоғозга туширишни бошлаганимнинг учинчи кунни ноҳуш хабар етказишди. Ўзини-ўзи номард дея тан олган Собир, жонига қасд қилибди.

**МУАЛЛИФДАН ХОТИМА ЎРНИДА:**

Шахсий ишларимни бир четга қўйиб, эртаси кун Марказий руҳий касалликлар шифохонасига бордим. Бош дўхтирга ўз муद्даомни айтиб Қахрамонни кўрсатишларини илтимос қилдим.

- Уни касали унчалик оғир эмас, у касалхонамизнинг "Мажнун". Газета-журналларда кизларни расмини кўрса тамом, дарров қирғиб олиб "Менинг Юлдузим, менинг Лайлим" деб расмларни бағрига босиб, гоҳ кулади, гоҳ жиннилиги тутиб йиғлайди, - деди бош дўхтир ёрдамчиси.

Қахрамонни менга кўрсатишди, келбатли йигит экан. Қахрамонга тикиларканман ўз Лайлосини йўқотган Мажнун мисоли ўз ёрнини кутаётгандек туюлди. Чунки, унинг кўриниши ошқиб қариб мисоли, телба мисоли эди.

Қахрамон шифохона ҳовлисида қўйилган узун ўриндиқларнинг бирида чўзилиб, осмонга тикилганча ётар, икки қўли билан қандайдир журнал варағини бағрига босиб олган эди.

- Бу ўша расмлардан бири, - деди дўхтир, сўнг Қахрамонга қараб сўради:

- Мажнун, ҳув Мажнун, дам олаяпсанми, қўлингдаги нима у?

Қахрамон бизга қайрилиб ҳам қарамади. - Бу менинг Юлдузимни расми, у ҳозир келиб қолса керак, дўхтир, кўнглим сезаяпти, ўғилчам билан келади-да, мени олиб кетади. Мен Юлдузини шундай соғиндимки, у негадир соғинмадимми дейман, мени олиб кетгани келмаяпти.

- Олиб кетади, хавотир олма, - деди дўхтир кулимсираб.

Мен эса куладиган ҳолатда эмасдим. Кўзимдаги ёшни артарканман, ортимга қайтдим.

Буларни ёзиб бўлгач, бир ҳафталар ўтгандан кейин шифохонага телефон қилиб яна Қахрамон билан учрашмоқчи эканлигимни ва эртага боришимни айтдим.

- У йўқ, - деди дўхтир.

- Нега йўқ? - хавотирланиб сўрадим.

- Икки кун олдин...

Қўлимдан телефон дастаги тушиб кетди.

Сиз ўқитган бу тақдир ҳикоясининг сўнгги қаҳрамони ҳам йўқ энди. Лекин шундай бўлса-да, уни сиз азиз "Оила ва жамият" муҳлисларига тақдим этаёпман. Зора, ушбулар яна қандайдир номардликни режалаштириб юрганларга сабоқ бўлса, зора бу дунё қайтар дунё, бу дунё қасосли дунё эканлигини англаб етишса. Яна билмадим, билмадим...

Дилшод Қўлдошев

# ҚУЁШ, ОЙМОМО МИСОЛ КЕТДИНГИЗ ЙИРОҚ

**ХОТИРА МУКАДДАС**

Биз оилада 8 фарзанд эдик, 5 киз, 3 ўғил. Зиёли оиланинг кенжа фарзанди эдим. Жуда эркатой, сал нарсасга йиғлаб, кўз ёш қилар эдим. Мендан катта акам иккаламиз 2 ёш фарқ қилиб, акам дадамдан, мен эса онамдан ажралмас эдик. Онаминг кўлини қўксимга қўйиб, маҳкам ушлаб ухлар эдим. Онам уйда йўқ бўлсалар ўша тун йиғлаб, ухлай олмас эдим. Шунинг учун ҳаммиша бирга бўлар эдик.

Худо раҳмат қилгур онаминг "Қиз бола ундай бўлиши керак, бундай қилиши керак", деб ўргатган ҳеч бир насиҳатларини эслаб олмайман.

Лекин ўзлари жуда оқила аёл эдилар. Қўшниларимизнинг барчаси жуда ҳурмат қилар эдилар. Уйласан, онажоним бирор марта дадамларга гап қайтариб, бақириб, силтаб ташламаганлар. Лекин дадам ҳазиллашиб: "Онаг олимнинг кизи, 'мендан ақлли', деб тан олардилар.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди:

Болалигимда кўчада қизлар билан "ҳаппак тош" талашиб уришиб йиғлаб ўйла келиб, онамга ўртоғимнинг устидан шикоят қилганимда, онам "Айбни ўзингдан кидиргин, болам" деб, яна ўз ишларини давом эттиргандилар. Ушанда онажонимдан мен жуда хафа бўлган эдим. Худди онам бемехрдай қўйсин эди қўшимга. (Чунки ўртоқларимизнинг кўсини бири йиғлаб уйига кетса, онасини бошлаб келарди-да.) Шу-шу уйга йиғлаб келмайдиган бўлдим.

Энди билсам, онам биз 5 кизни сўзсиз, панднасихатсиз, ўзлари андоза бўлиб тарбиялаб кетган эканлар.

Мақтабни "Олтин медал" билан тамомлаб, онам касал бўлиб қолганлиги сабабли, улардан ажралиб қолишдан кўриб, ўқишга кирмадим. Бир йил онамга

қарадим. Кейин ўқишга кирдим-у, бир ой ўқиб, ҳаётинг биринчи зарбасига дуч келдим...

Онажоним менинг ва сирдош акамнинг бахтини кўролмай, ҳаётдан кўз юмдилар. Акам иккаламиз бир-биримизга жуда меҳрибон, сирдош, дардаш эдик. Кейин мени турмушга бердилар, акажоним уйландилар.

Бир йил ўтар ўтмас ҳаётнинг иккинчи зарбаси урилди. Дарду-қувончимга шерик бўлган, меҳрибон сирдошим-акажоним ҳам куёвлик тўнини бир йил ҳам қилмасдан оламдан ўтдилар.

Мана, яқинда эса давлатим-суянган тоғим дадажонимдан ҳам айрилдим. Бу ҳаётимнинг учинчи зарбаси бўлди. Ҳар зарбага дуч келганимда, мен учун ҳам ҳаёт тугагандай, ҳеч нарсанинг кизиги йўқдай туюлар эди. Лекин турмуш кишини ҳар нарсасга кўникишга ўргатар экан.

Худого беадад шукрлар бўлсинким, ҳозир ота-онамдан қолган 7 фарзанд — ҳаммамиз оилали, уй-жойли, бола-чақали, тинч-тотув яшамокчимиз. 4 онам менга онажонимдай меҳрибон.

Ҳозирги кунда менга ўз онамдай меҳрибон қайнонанинг келини, мени ўзидай тушунадиган турмуш ўртоғимнинг рафиқаси, Хуснора ва Зафаржон исмли фарзандларимнинг меҳрибон онасиман, мактабда кичик шогирдларнинг кичик, сеvimли устозиман. (Мақтабда тил ва адабиётдан сабоқ бераман)

Ҳозир ёшим 27 да. Ҳали ҳам йиғлоқман, жуда ҳам кўнгличанман. Ёш бола қоқилиб йиқилиб тушса ҳам, уясидан тушиб кетган полапонни атрофида чирқираб юрган қалдирғочни кўрсам ҳам, тумшугини гул косасига тикиб, гулга озор бераётган қўшни кўрсам ҳам... дарҳол кўзимга ёш келади. 27 ёшимда болалигим-

дай йиғлайман-у, лекин 27 ёшлилар орзу қиладиган орзудан кўпроқ орзуларим. Мақсадларим, ниятларим бор. Ҳозирги кундаги ўй-ниятим, қалбимни ҳар бир нарсани севишга ўргатиш, хунукликдан гўзалликни топа олишдир.

Мен баъзида пинҳона шеърлар ёзиб юраман. Улар бир мен қоғозга таниш. Шеърларимни ҳеч кимга кўрсатгим, ўқитгим келмайди, тўғриси уяламан. Бугун сеvimли "Оила ва жамият" газетасини қалбимга яқин сирдош деб билиб, бир шеъримни юбормоқдаман.

**СОҒИНЧ**

Дадам, онам, сирдош акам хотирасига

Қўкка оймомо чиқиб, оламни ёритганда, Бошгинамни оғритиб, болишгинам ботганда, Мени соғинч деган дард, шу тунда уйғотганда, Соғинч ўрнини ким босар, менинг эй сарбонларим.

Сарбон истаса кўнглим, сарбон излаб толаман, Соғинчнинг қаршисидан мен ҳаммиша боламан. Баҳорим чечаклари қўлда ҳайрон қоламан. Чечакни кимга элтай, менинг баҳоройларим, Кувончим кимга айтай менинг куёв-ойларим.

Қуёш, оймомо мисол, мендан кетингиз йироқ, Йироқ бўлсангизда сиз, йўлим ёритгич чироқ. Фақат бир кўнчолмасман кўчгим келганда, бироқ, Зулматда қолсам йўлим ёритгич чироқларим, Чироқларим сиз борсиз, тугалдир фироқларим.

Салтанат ДОНИЁРОВА

Жиззах вилояти, Зомин тумани

**М**енинг ёшим 20 да. Лекин, мен бу ёшгача анча қайғули ҳамда қувончли кунлар гувоҳи бўлганман. Агар хоҳласангиз мана эшитинг, бошимдан кечирган воқеаларни бир бошдан сўзлаб берай.

Мен жуда ҳам катта амалдорнинг якка-ю ёлғиз ўғли бўлганман. Оилада битта ўғил бўлганим учун ёшлигимдан ота-онам мени раъийимга қараб иш туттилар эди. Айтганим айтган, деганим деган эди. Мактабда ҳам фақат мен яхши кийинар, ҳамда ҳар уч кунда янги кийим кияр эдим. Бой, эркатой ўғил бўлганимга қарамадан 8-синфгача фақат аъло баҳо-лар билан ўқидим. Лекин, бахту қувонч билан бирга ҳаммиша ташвишли кунлар ҳам келади, деганларни рост экан. Кунларнинг бирида отам эғзал-лаб турган лавозимидан тушди, ишлари эса орқага кета бошлади. Аён-ки, мени ҳам отам кийимдан, пулдан сиқа бошлади. Бора-бора ўша эски кийимларимни кия бошладим (лекин, улар эски бўлса ҳам кўп болалар орзу қилиб етишолмайдиган кийимлар эди). Аммо, мен ношукрлик қилиб, ёки ёшлик қилибми, ўзим мустақил пул топа бошладим. Отамдан пул сўрамастикка аҳд қилдим. Ўйлаб кўрсам ҳали ёшман, эндигина 9-синфни битираялман. Қанақа қилиб пул топишим мумкин? Чунки, илгари катта-катта пул беришгандан шунга ўрганиб қолгандим. Озгина пулга қаноат қилмасдим. Ўйлаб кўрсам, осонгина, меҳнат қилмасдан пул топиш йўли фақатгина битта - бу ўғрилиқдир.

Мактабга ҳам бормаи кўйдим. Уч-тўрт кун кўчада мақсадсиз изғиб юрдим. Ва бир куни бир аёлни сумкасини тортиб олиб, қочиб кетдим. Уйга бориб қарасам, сумкадан пуллар, тилла узук ва битта аёллар соати чиқди. Мен хурсанд бўлиб кетдим, аммо эрталабгача ухломмай чиқдим (милиция кидириб келишидан кўрқдим). Лекин, уйимизга ҳеч ким келмади. Ва кўчага чиқиб яна ўша ишимни давом эттира бошладим. Ҳаётим шу зайлда

миримни кесган эдим, лекин тирик қолдим, ишонмасангиз кўрсатаман", - дедим. У эса "ишондим, бўлди, кўрсатман", деди. Ва шу бахона таниши ҳам олдиқ. Ўқишга бирга келадиган, бирга кетадиган бўлдиқ. Ҳатто, кейинчалик бир-биримизни севиб қолдик. Шу тарзда ярим йил ўтди. Бу орада у қиз мени сигарет чекишни ташлашга мажбур этди. Мен унинг гапини икки қилмас эдим. Пулим қолмаса пул берарди, машинасини эса бир ҳафталаб ҳайдаб юрардим. Хуллас, мени ўша қиз қайта тарбиялади. Биз шунчалар яқин бўлиб кетдикки, уларни уйига бориб меҳмон бўлиб келардим. Бир-биримизсиз туролмайдиган ҳолга келдик. Шу тарзда 3-курсни битириб, унга уйландим. Ҳаётимиз жуда чиройли кечарди. Қайнотам мени ва отамни каттароқ ва мойлироқ ишга "ўтказиб" қўйди. Менга эса алоҳида 4 хонали квартира, чет эл машинасини совға қилди. Ўғлим Б. туғилганида эса битта ҳовлини суюнчи тариқасида ҳада этишди.

Хуллас, ҳаётимиз зўр эди. Қайнонам билан қайнотам мени жуда севиб, ҳурмат қилишар, худди ўз ўғилларидек кўрар эдилар. Биз учун ҳамма шарт-шароит бор эди. Ёш бўлиб туриб эр-хотин ва ота-онам билан Германия, Америка, Япония, Швейцария ва бошқа давлатларга кетма-кет сафарларда бўлиб келдик. Бир куни отам билан онам дам олиш учун санаторийга етишди. Мен эса хизмат сафари билан Москвага кетган эдим. Бир ҳафтадан сўнг уйга келаётганимда юрагим гаш бўлаверди. Негадир уйга тезроқ етишни ўйлардим. Ниҳоят, эрта тонг соат 6.30 ларда етиб келдим. Ҳовлимиз эшиги очик ҳолда эди. Мен ҳайрон бўлдим, уйга кирсам, не кўз билан кўрайки, гўзал хотиним қоп-қора қонга беланиб ётибди. Ўғлим эса бешиқда йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибди. Мен эса эс-хушимдан айрилиб қолдим. Икки ҳафтадан сўнг ҳаммасини тағига етдим. Воқеа мана бундай бўлган экан. Мен уйга келишимдан 3 соат олдин, яъни соат 3.30 ларда иккита ваҳший босқинчи уйимга эшикни бузиб киришган. Ва уйимни тинтиб қўлга илинган нарсаларни олишган. Шу пайтда хотиним уйғониб

## ХОТИНИМНИНГ ХОТИРАСИ

Ўтиб борар эди. Анча вақт ўтди, бу орада мен ўз атрофимга 3-4 та болаларни йиғдим ва битта гуруҳ бўлиб "иш" бошладик.



Машиналар эҳтиёт қисмларини, ичидаги бўюмларини, аёллар тилла зирагини, занжирини олиб қочардик. Кўчадаги болаларни уриб, кийимини ечиб, пулини олиб кўярдик. Тушган пулларни ўртада тенг тақсимлаб, ароқ ичардик, наша чекардик, борингки ҳамма ёмон ишларни қилардик. Мактабни эса бир амаллаб битирдим. Уйдагилар эса ҳеч нарсани сезишмади. Шу орада отам мени олийгоҳга "киритиб" қўйдилар. Ўқишда бир қиз эътиборимни тортиди. Жўраларим унга мендақаларнинг қўли етмаслигини, у жуда катта амалдор, бойвачча одамнинг қизи эканини айтишди. Мен эса бу қизни албатта қўлга киритишимни айтиб мақтандим, жўралар билан бу борада гаров ўйнадик. Қиз шунчалар ўзини баланд тутардики, ҳеч ким билан гаплашмасди, мағрур эди. У шунга муносиб эди, чунки жуда гўзал ва чиройли хулқли қиз эди. Мен шунгача ҳаётимда ҳеч кимни севмаган, қизларга қарамаган эдим. Мени дардим фақат пул топиш эди. Лекин у қизни кўрдиму эс-хушимдан айрилдим. Бунга ўзим ҳам ҳайрон эдим. Ўқишга борсам фақат уни кидирардим. Унинг йўлини пойлардим, ўқишга келишини, кетишини кутиб турардим. У қиз гоҳида ўзини машинасини ҳайдаб келарди, гоҳ шофёр ташлаб кетарди. Бир куни пайт пойлаб олдига бордим-да, бор гапни юзига айтдим. У эса мени кўрмагандай-эшитмагандай бепарвогина ўтиб кетди. Бу ҳол 3-4 марта қайтарилди. Бир куни унга "Агар мен билан гаплашмасангиз, томиримни кесиб ташлайман", деб алдадим. У эса "Билганингни қил" деди ва машинасига ўтириб кетиб қолди. Мен эса ўсал бўлиб қолавердим. Сўнг бир ҳафта ўқишга бормадим, кўчада изғиб юрдим. Бир ҳафтадан кейин ўқишга билагимни бинт билан боғлаб чиқдим. Ўша қизга кўзим тушиши билан у олдимга чопиб келди-да ҳол-аҳвол сўради. Билагимдаги бинтни кўриб нима бўлганини суриштирди. Мен эса уни алдаб: "Сизни деб то-

қолиб уларни кўриб, бақириб юборган. Улар эса бизни энди сотиб кўяди деб ўйлаб хотинимни сўйиб ташлашган. Ўғлим

эса йиғлаб қолаверган. Босқинчилар тутилиб суд бўлди, қамалиб кетишди. Менчи, мен эса ҳаётда ёлғиз қолдим. Доим уни кулиб турган суратига қарасам, - "Нега мени ёлғиз ташлаб кет-

## БИЛАН ЯШАЙМАН

дингиз, мен сизсиз жуда-жуда кўрқдим", - деяётгандек бўлаверади. Лекин, ундан бир ёдгорлик қолди. У ҳам бўлса шу кўзимни оқу-қораси, ўғлимдир. Ҳозир ўғлим бир ярим ёшда. Қайнотам ва қайнонам менга ҳали эрга тегмаган қайсинглимини олиб беришмоқчи. Улар фикрича, у ўғлимга ўз онасидек қарар эмиш. Лекин, мен уни бахтсиз қилишни хоҳламаймман. Чунки, суриштирсам, унинг севган йигити бор экан. Йигити эса келаси йилга совчи юбормоқчи. Қайнотам сиздақа куёв дунёда битта деб, ҳоли-жонимга қўйишмапти. Қайсинглим эса энди 19 ёшга тўлади. У ўша йигитини севди. Мен уларнинг бахтини, орзу-ҳавасини тортиб ололмайман-ку. Мен хотинимнинг ёрқин хотираси билан ёлғиз ўтмоқчиман. Лекин, ўғлимга кимдир она бўлиши керак-ку, дейишяпти. Менинг эса ҳеч бир қизга кўнглим йўқ. Ўғлим эса онасиз.

Мен энди нима қилай, маслаҳат беринг, одамлар. Яна бир гап, мен яқинда чет элга ишга кетаялман. Қайнотам шу ишга олиб кириб қўйди. Энди қайнотам юзидан ўта олмайман. Айтинг, одамлар, ҳаммасидан кечиб ўғлим билан қолайми ёки шу бойликни деб ўндан бир гули очилмаган қизни, орзу-ҳавасларини, ҳаётий режаларини бузиб ўзимга иккинчи хотин қилиб олайми? Айтинглар, одамлар...

Тошкент

О. Т.

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлөзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Турон кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИИ  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
40 572 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобoқ.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи — М. СОДИКОВ.